
Қўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизимининг (ФВДТ) 2023 йил асосий тадбирлар режасига асосан жорий йилнинг 1 август кунидан бошлаб 3 август кунига қадар Фурқат туманида “Бошқарув органлари, ФВДТ ҳудудий қўйи тизимларининг аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлари” мавзусида қўмондонлик-штаб ўқув машғулоти ўтказилмоқда.

Қўмондонлик-штаб ўқув машғулоти раҳбарининг бугунги, биринчи кунида Фурқат тумани ҳокимлигида бошқарув органлари ва ФВДТ хизматлари иштирокида ишчи йиғилиши ўтказилди.

Унда Фурқат тумани ҳокими - фуқаро муҳофазаси бошлиғи Жаҳонгир Жуманов, сектор раҳбарлари ва Фарғона вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор бўлим бошлиғи қатнашди.

Хабар бериш тизимининг тайёргарлиги ва барқарор ишлашини текшириш, ФВДТ ҳудудий қўйи тизими органларининг фавқулодда вазиятларда функционал вазифаларини бажариш йўналишларини аниқлаштириш, авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришда моддий-техник таъминот масалаларини ҳал этиш, юзага келган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини кўриб чиқиш ўқув машғулоти раҳбарининг асосий мақсади этиб белгиланди.

Ўқув машғулоти раҳбарига ФВДТ ҳудудий қўйи тизими органлари раҳбарлар таркиби ҳамда уларнинг куч ва воситалари, ижтимоий-иқтисодий объектлари, оммавий ахборот воситалари жалб этилди.

Ўқув машғулоти раҳбарининг биринчи кунида бир қатор тактик-маҳсус ўқув машқлари ўтказилди.

Хусусан, тумандаги Навбаҳор маҳалласида жойлашган марказий ўйингоҳда туман механизациялаштирилган йиғма командаси саф кўриги ташкил этилди. Айтилган тадбирларда фавқулодда вазиятларда хабар бериш, улар содир бўлганда бирламчи вазифаларни амалга ошириш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга ихтисослашган механизациялаштирилган отрядларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга шайлиги синовдан ўтказилди.

Шунингдек, ўқув машғулоти доирасида “Истиқлол” МФЙда жойлашган Ободонлаштириш бошқармасида “Табиий техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда қутқарув тузилмаларининг ФВДТ хизматлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари” тадбирлари амалга оширилмоқда. 3 августга қадар давом этадиган қўмондонлик-штаб ўқув машғулоти давомида яна қатор амалий тадбирлар ҳамда маҳсус-тактик ўқув машқлари ўтказилиши кўзда тутилган.

2023-08-01 17:26:25